

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**БОРОНОВ БОБУР ФАРХОДОВИЧ**

**КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАРИ ҲИСОБИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Content of dissertation the abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
economical sciences**

**Боронов Бобур Фарходович**

Корхоналар молиявий активлари ҳисобини такомиллаштириш ..... 3

**Боронов Бобур Фарходович**

Совершенствование учета финансовых активов предприятий ..... 27

**Voronov Bobur Farkhodovich**

Improving the accounting of financial assets of enterprises ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 55

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**БОРОНОВ БОБУР ФАРХОДОВИЧ**

**КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАРИ ҲИСОБИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Iqt341 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва «Ziyouet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Уразов Комил Бахрамович,  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Каримов Акрам Аббасович,  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Алиқулов Абдимўмин Исматович,  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация химояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «5» 03 куни соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: [ilmiykengash@tfi.uz](mailto:ilmiykengash@tfi.uz).

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (179 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «17» 02 куни тарқатилди.  
(2021 йил «17» 02 даги 11 рақамли реестр баённомаси.)



**Т.З. Тешабаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н. Каландарова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий қотиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD

**И.Н. Кузиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ресурслар тақчиллиги муаммоси молиявий активлардан самарали фойдаланишни тақозо этади. Дунё молия бозорида молиявий активларга бўлган эҳтиёж кун сайин ошиб бормоқда. Биргина, «2018 йилда Халқаро Тараққиёт Ассоциациясининг облигацияларига бўлган эҳтиёж 4,6 миллиард АҚШ долларига етган»<sup>1</sup>. Шу боис, халқаро ҳисоб амалиётида «молиявий активлар» бухгалтерия ҳисобининг муҳим объекти сифатида тан олинишига катта эътибор қаратилмоқда. Бироқ, бугунги кунда халқаро амалиётда қўлланилаётган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда корхоналарнинг молиявий активлари тўғрисида маълумотлари ахборот фойдаланувчиларнинг талабларига тўлиқ мувофиқ, деб бўлмайди. Шунингдек, молиявий активлар ҳисобини халқаро стандартлар талабларига мослаштириш, ушбу активлар ҳисобига оид ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан миллий даражада самарали фойдаланилишига эришиш барча мамлакатлар учун энг муҳим ва долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон амалиётида иқтисодиётнинг халқаро андозаларига мос келадиган миллий моделини яратиш, қулай инвестиция муҳитини шакллантириш мақсадида молиявий активларни таснифлаш ва тавсифлаш, уларни тан олиш, баҳолаш, ҳисобини юритиш ва ҳисоботларда акс эттириш тартибларини такомиллаштиришга бағишланган илмий изланишларга катта эътибор қаратилган, ҳамда олиб борилган илмий изланишлар натижасида молиявий активлар ҳисобининг концептуал асослари, узоқ муддатли дебиторлик қарзлари, пул маблағлари, ҳиссали қатнашиш асосида киритилган инвестицияларнинг ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш бўйича маълум ютуқларга эришилган. Аммо, молиявий активларни тан олиш, баҳолаш ва уларнинг ҳисобини юритиш, ҳамда халқаро стандартларга мувофиқлаштириш масалалари ўз ечимини топган эмас.

«Ўзбекистонда илк маротаба жаҳон молия бозорларида умумий ҳажми 1 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi 5 ва 10 йил муддатли суверен халқаро облигациялари жойлаштирилди. Бундан ташқари, жорий йилда Молия вазирлиги томонидан 10 йиллик муддат билан 555 миллион АҚШ доллари ва 3 йиллик 2 триллион сўмлик евробондлар Лондон фонд биржасига жойлаштирилди»<sup>2</sup>. Мамлакатимиздаги корхоналарнинг иқтисодий ресурслари таркибига кирувчи валюта маблағлари, облигациялар, шўъба жамиятлар ҳамда бошқа турдаги субъектлар устав капиталига киритилаётган инвестициялар, узоқ ва қисқа муддатли қарзлар, кредитлар ва дебиторлик қарзларини ҳисобга олишнинг методологик асослари ишлаб чиқилди. Бироқ, республикада молиявий инструментлар ҳисобига оид миллий стандартлар яратилган эмас. «Молиявий активлар» атамаси ҳисобот шаклига киритилмаган, молиявий активларнинг ҳисоб объекти сифатидаги моҳияти,

<sup>1</sup><https://www.vsemirnyjbank.org/ru/about/annual-report/innovative-finance.2019-annual-report>.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 июлдаги ПҚ-3877 «Ташқи молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ.

тан олиниси, баҳоланиши, таснифи, таркиби ҳамда ҳисоб ва ҳисоботда акс эттиришнинг такомиллашган тартиблари ишлаб чиқилмаганлиги молиявий ҳисоботлар уйғунлиги ва ишончлигига таъсир кўрсатмоқда. Юқоридагиларнинг барчаси, жумладан, молиявий активлар ҳисобининг замон талабларига мос методологиясини ишлаб чиқишнинг объектив зарурияти мазкур йўналишда чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 507-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** АҚШ, Буюк Британия, Россиялик олимлардан Р.Либби, Р.Х.Ҳермансон, Б.Нидлз, Я.В.Соколов, В.Ф.Палий, О.В.Анфиногенов, Ю.В.Бабаев ва бошқа олимлар<sup>3</sup> молиявий активлар ҳисобининг концептуал асослари, шунингдек, молиявий активларни тан олиш, баҳолаш ва молиявий ҳисоботларда акс эттиришнинг методологик масалаларини тадқиқ этганлар.

Корхоналар молиявий активлари ҳисобини такомиллаштиришда мамлакатимиз олимларидан Н.Б.Абдусаломова, А.З.Авлоқулов, К.Б.Ахмеджанов, Р.Д.Дусмуратов, А.К.Ибрагимов, А.А.Каримов, Н.Ф.Каримов, Б.Ю.Мақсудов, С.У.Меҳмонов, М.К.Пардаев, А.Х.Пардаев, М.Ю.Рахимов, Н.К.Ризаев, А.Ж.Туйчиев, К.Б.Уразов, И.Н.Қўзиёв,

<sup>3</sup> Libby, Robert. Financial accounting / Robert Libby, Patricia A. Libby, Daniel G. Short. Irwin, Printed in USA, 1996. 848 p.; Hermanson, Roger H. Accounting: a business perspective / Roger H. Hermanson, James Don Edwards, Michael W. Maher. 6th ed., Irwin, Printed in the USA, 2004. 926 p.; Б.Нидлз и др. Принципы бухгалтерского учета/Б.Нидлз, Х.Андерсон, Д.Колдуэлл. -М.: Финансы и статистика. 2003. -496 с.; Я.В.Соколов. Очерки по истории бухгалтерского учета. -М.: Финансы и статистика, 1991. -400 с.; Палий В.Ф. Международные стандарты учета и финансовой отчетности. 3-е изд., испр. и доп. -М.: 2007. 456 с.; Анфиногенов О.В. Бухгалтерский учет и аудит финансовых активов коммерческих организаций: Автореферат диссертации ... кандидата экономических наук: 08.00.12. - Саратов, 2009.; Бабаев Ю.В. и др. Бухгалтерский финансовый учет. Учебник для ВУЗов, 2005.

Б.К.Ҳамдамов, К.Р.Ҳотамовларнинг<sup>4</sup> илмий изланишлари муҳим аҳамият касб этади.

Номлари юқорида зикр этилган муаллифларнинг тадқиқотларида молиявий активлар ва улар элементларини таснифлаш, тавсифлаш, тан олиш, баҳолаш, ҳисоб ва ҳисоботда ақс эттиришнинг илғор усуллари, улардан республикамизда фойдаланиш масалалари чуқур тадқиқ этилмаган. Бу ўз навбатида, ушбу мавзуда илмий-тадқиқот олиб бориш, шунингдек, унинг мақсади ва вазифаларини белгилашга асос бўлади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «Иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришлар шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштириш» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** корхоналар молиявий активлари ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

замонавий молия бозори талабларива илғор хорижий тажрибаларга таяниб, «молиявий активлар» тушунчасининг такомиллашган таърифи, таснифи ҳамда таркибини ишлаб чиқиш;

халқаро стандартларга мувофиқ молиявий активларни ҳаққоний ва амортизацияланадиган қиймати асосида баҳолаш услубий тартиби ҳамда уларни давомий баҳолаш натижасида олинган фойда ва зарарлар ҳисобини такомиллаштириш;

корхоналар инвестицияларини ҳиссали қатнашиш методи асосида баҳолашнинг услубий тартибини тавсия этиш;

---

<sup>4</sup>Н.Б.Абдусаломова. Бошқарув ҳисоби тизимида ички назорат ва бюджетлаштириш услубиятини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. -Т.: 2019. 75-б.; А.З.Авлоқулов. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. -Т.: 2019. 71-б.; К.Б.Ахмеджанов. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштириш. Докторлик диссертацияси автореферати. -Т.: 2016. 42-б.; Р.Д.Дусмуратов, У.И.Тулаев. Молиявий ҳисобот: назарий, услубий ва амалий жиҳатлари. -Т.: «Extremum-Press», 2012, -144 б.; А.К.Ибрагимов, А.А.Каримов. Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби. -Т.: «Ўзбекистон», 1999. -143 б.; Н.Ф.Каримов Тижорат банкларида ички аудитни ташкил қилиш ва унинг услубиятини такомиллаштириш муаммолари: Дис. автореф. ... икт. фан. д-ри. -Т.: 2007.; Б.Ю.Максудов. Замонавий бошқарув ҳисобининг хўжалик юритувчи субъектларни ривожлантиришдаги роли / Иқтисодиёт ва таълим, 2012. №3. -1-8-б.; С.У.Меҳмонов. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш. Дис...икт.фан б д-ри. -Т.: ТМИ, 2018.; М.Қ.Пардаев, И.Т. Абдукаримов, Ж.И.Исроилов, Б.И.Исроилов. Корхоналарда молиявий ҳисоботлар таҳлили. Ўқув қўлланма. -Т.: Солиқ Академияси, 2009. -76 б.; А.Х.Пардаев, З.А.Пардаева. Бошқарув ҳисоби. Дарслик. -Т.: «Иқтисод-Молия». 2019 й. -538 б.; М.Ю.Рахимов. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма. -Т.: Иқтисод-молия. 2015.-356 б.; Н.К.Ризаев. Внедрение международных стандартов (МСФО) в финансовых отчётностях банков. Материалы МНПК «Актуальные вопросы совершенствования системы учета, анализа и аудита в организациях». 13 февраля 2014 г., ст. 207-211.; А.Ж.Туйчиев. Мажбуриятлар бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг назарий методологик муаммолари. Диссертация. и.ф.д. -Тошкент. 2011. 71-б.; К.Б.Уразов. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. Монография. -Т.: Фан, 2005. -236 б.; И.Н.Қўзиёв. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аудиторлик ҳисоботини тузиш ва умумлаштириш методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. -Т.: 2017. -70 б.; Б.К.Ҳамдамов. Молиявий ҳисобот. Ўқув қўлланма. -Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2008. -172 б.; К.Р.Ҳотамов. Билвосита солиқлар ҳисоби ва таҳлилининг такомиллаштириш. Монография. -Т: Молия, 2016. -168 б.

дебиторлик қарзларининг қадрсизланишидан зарар суммасини аниқлаш, дебиторлик қарзларини соф қийматда акс этирилишини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш;

молиявий активлар, жумладан пул маблағлари, инвестициялар ва дебиторлик қарзларининг молиявий ҳисоботини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасига аъзо бўлган акциядорлик жамиятларининг молиявий активлари ҳисоби ва ҳисоботи олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** корхоналар молиявий активлари ҳисобини такомиллаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда гуруҳлаш, таққослаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистика, иқтисодий таҳлил, иқтисодий-математик, дисконтлаш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ҳисоб сиёсатига бошланғич қийматни аниқлаш ва амортизацияланадиган қийматни баҳолашни киритиш орқали молиявий инвестициялар шаклланиши муддатлари ҳамда эҳтимоллигини белгилаш бўйича ахборот имкониятини ошириш асосланган;

инвестицияларни ҳиссали қатнашиш усулида баҳолаш ва дебиторлик қарзларининг қадрсизланишидан олинган зарарни ҳисобга олиш асосида молиявий активларнинг соф қийматини аниқлаш таклиф этилган;

олинадиган счётларнинг жорий қисмини савдо ва носавдо дебиторлик қарзларига ажратиш орқали дебиторлик қарзларининг соф қиймати аниқланган ҳамда молиявий ҳолат ҳисобини юриштиришнинг шаффофлиги таъминланган;

молиявий активларнинг ҳаққоний қийматини баҳолаш асосида юзага келадиган молиявий натижани аниқлаш ва уни ҳисобда акс этириш таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

молиявий активларнинг бошланғич қийматини аниқлаш, уларни амортизацияланадиган ҳамда ҳаққоний қиймати бўйича баҳолашнинг таклиф этилган янги услубий тартиб-қоидалари молиявий ҳисоботларда ишончли ахборотларни акс этириш имкониятини берган;

инвестицияларни ҳиссали қатнашиш методида баҳолаш ҳамда дебиторлик қарзларининг қадрсизланишидан олинган зарарни ҳисоблаш асосида соф қийматини аниқлашнинг услубий тартиби ишлаб чиқилганлиги молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш имконини берган;

инвестицияларни ҳиссали қатнашиши бўйича ҳамда олинадиган счётларни савдо ва бошқа дебиторлик қарзларига таснифлаш асосида молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг такомиллаштирилганлиги ҳисоботларда ахборотларнинг хорижий инвесторлар учун ишончли бўлишини таъминлаган.



**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** амалга оширилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, статистик қонуниятларда келтирилган ишончлик талабларига жавоб бериши, «Ўзғёмойсаноат» уюшмасига аъзо бўлган корхоналарнинг молиявий ҳисоботларига асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар корхоналар молиявий активларини тан олиш, баҳолаш ва уларнинг ҳисобини юритиш, ҳамда халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялардан корхона молиявий активларини ҳисобга олиш жараёнида қўлланиладиган усулларни тизимлаштириш ва асослаш, молиявий активларнинг ҳаққоний қийматини аниқлаш ҳамда улар бўйича ҳисоботларни ишончли акс эттиришда йўриқнома сифатида хизмат қилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Корхоналар молиявий активлари ҳисобини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ҳисоб сиёсатига бошланғич қийматни аниқлаш ва амортизацияланадиган қийматни баҳолашни киритиш орқали молиявий инвестициялар шаклланиши муддатлари ҳамда эҳтимоллигини белгилаш бўйича ахборот имкониятини ошириш борасидаги таклифи «Каттақўрғон ёғ-мой» АЖ ва «Турон-Хожели» АЖлари томонидан ҳисоб сиёсатига киритилган («Каттақўрғон ёғ-мой» АЖнинг 2020 йил 26 майдаги 10/745-сон, «Турон-Хожели» АЖнинг 2020 йил 14 майдаги 178-А-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши молиявий активларни ҳаққоний қийматларда баҳолашга ҳамда ахборотларнинг ишончлилигини таъминлашга хизмат қилган;

инвестицияларни ҳиссали қатнашиш усулида баҳолаш ва дебиторлик қарзларининг қадрсизланишидан олинган зарарни ҳисобга олиш асосида молиявий активларнинг соф қийматини аниқлаш бўйича таклифи «Каттақўрғон ёғ-мой» АЖ ва «Турон-Хожели» АЖлари томонидан ҳисоб сиёсатига киритилган («Каттақўрғон ёғ-мой» АЖнинг 2020 йил 26 майдаги 10/745-сон, «Турон-Хожели» АЖнинг 2020 йил 14 майдаги 178-А-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши молиявий активларни ҳаққоний қийматларда баҳолашга ҳамда ҳисоб ва ҳисоботнинг сифатини оширишга хизмат қилган;

олинадиган счётларнинг жорий қисмини савдо ва носавдо дебиторлик қарзларига ажратиш орқали дебиторлик қарзларининг соф қийматини аниқлаш ҳамда молиявий ҳолат ҳисобини юритишнинг шаффофлигини таъминлаш бўйича таклифи «Каттақўрғон ёғ-мой» АЖ ва «Турон-Хожели» АЖлари томонидан ҳисоб сиёсатига киритилган («Каттақўрғон ёғ-мой» АЖнинг 2020 йил 26 майдаги 10/745-сон, «Турон-Хожели» АЖнинг 2020 йил 14 майдаги 178-А-сон маълумотномалари). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши инвесторлар эҳтиёжларига монанд ахборотларни тайёрлаш,

дебиторлик қарзлари устидан назоратни ўрнатишни яхшилаш имконини берган;

молиявий активларнинг ҳаққоний қийматини баҳолаш асосида юзага келадиган молиявий натижани аниқлаш ва уни ҳисобда акс эттириш бўйича таклифи «Каттакўрғон ёғ-мой» АЖ ва «Турон-Хожели» АЖлари томонидан МҲХСлари асосида молиявий ҳисобот тузишда фойдаланилган («Каттакўрғон ёғ-мой» АЖнинг 2020 йил 26 майдаги 10/745-сон, «Турон-Хожели» АЖнинг 2020 йил 14 майдаги 178-А-сон маълумотномалари). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши молиявий активларни баҳолаш натижасида юзага келган моддаларни ҳисоб ва ҳисоботларда акс эттириш имконини берган ҳамда корхонанинг инвестицион жозибadorлигини оширган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 4 та республика ва 7 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, жумладан 1 та монография, 1 та илмий-услубий тавсия, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, шундан 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 150 бетни ташкил этади.


## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Молиявий активлар ҳисобининг концептуал асослари»** деб номланган биринчи бобида молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги тавсифи, молиявий активлар ҳисоби концептуал асосларининг халқаро ва миллий жиҳатлари ҳамда молиявий активларни таснифлаш масалалари тадқиқ қилинган.

Корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятида молиявий активлар муҳим ўрин тутди. Молиявий активлар молиявий инструментларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Янги молиявий инструментларни жорий этиш ва облигациялар чиқариш орқали, банк хизматлари кўламини янада кенгайтириш, илғор ахборот технологиялари асосида банк тизимини ривожлантириш зарур»<sup>5</sup> деб таъкидлагани, мамлакатимизнинг жаҳон молия бозорида ўз ўрнини топиши, хорижий инвесторлар учун мамлакатимизда капитал ва молия бозорини эркинлаштириш орқали барча шарт-шароитларни яратиб бериш борасидаги вазифалар долзарб эканлигидан далолат беради.

Ҳозирги кунда бухгалтерия ҳисобида молиявий инструментлар, жумладан молиявий активларнинг элементлари ҳисоби бўйича алоҳида, аниқ бир услубий тартиб ишлаб чиқилмаган. Молиявий инструментлар ва молиявий активларнинг таркибий қисмларини қуйидаги 1-расмда акс эттирамиз:



**1-расм. Молиявий инструментлар ва молиявий активларнинг таркиби<sup>6</sup>**

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи газетаси. 2018 йил 29 декабрь. № 271-272. 2-бет.

<sup>6</sup> МҲХСлари асосида муаллиф ишланмаси.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан фарқли бўлган мамлакатимиздаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда «молиявий активлар» атамасига аниқ бир тушунча келтирилмаган, жумладан «молиявий қўйилмалар», «пул маблағлари», «дебиторлик ва кредиторлик қарзлари» каби тушунчалар билан кифояланган. Олиб борилган тадқиқотлар бир қатор хорижий ва маҳаллий олимларнинг «молиявий активлар» тушунчасига берган таърифларини ўрганиб чиқишни тақозо этди (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Молиявий активлар тушунчасига иқтисодчи олимларнинг таъриф ва ёндашувлари<sup>7</sup>

Т/р	Муаллифлар	Мавзуга оид адабиёт муаллифларининг талқини
1	В.Ф.Палий	Молиявий активлар – бу пул маблағлари ёки пул маблағларини тўлаш талабини берувчи шартномавий ҳуқуқ, ёки бошқа компаниядан нафли молиявий инструментларни олиш ҳуқуқи, ёки молиявий инструментларни ўзи учун нафли шартларда ўзаро алмаштириш ҳуқуқи.
2	А.П.Зудилин	Молиявий активлар – ҳисоб-китоблардаги пул маблағлари. Улар тижорат ва нотижорат операциялар бўйича дебиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳамда счётлар, чеклар, векселлар, шунингдек давлат, маҳаллий ҳокимият, кредит компаниялар қимматли қоғозларидаги қисқа муддатли инвестициялар билан расмийлаштирилган бўлиши мумкин
3	32-сон БҲҲС (IAS) «Молиявий инструментлар: ахборотларни тақдим этиш»	Молиявий инструмент - бу бир тадбиркорлик субъектининг молиявий активини ва бошқа тадбиркорлик субъектининг молиявий мажбурияти ёки улушли инструментини кўпайишига олиб келадиган шартнома
4	М.С.Абрютина	Корхоналар молиявий активларига қимматли қоғозлар, пул маблағлари ва ушбу хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағларини олиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар киради. Бухгалтерия баланси атамаси бўйича молиявий активларга узоқ муддатли молиявий қўйилмалар, қисқа муддатли молиявий қўйилмалар, пул маблағлари, дебиторлик қарзлари ҳамда олинган қийматликларнинг қўшилган қиймат солиғи киради


Ушбу таърифлар молиявий активларнинг барча хусусиятларини ўзида мужассамлантирган деб бўлмайди. Таърифларда молиявий активларнинг барча элементлари ўз аксини топмаган. Бундан ташқари, мамлакатимизда соҳага доир адабиётларда молиявий активларга таъриф келтирилмаган.

Тадқиқотлар асосида молиявий активларга қуйидаги яхлит таърифни беришни мақсадга мувофиқдир деб топдик: «Молиявий активлар – бу корхона балансида эгалик ҳуқуқи (шартномалари) асосида акс этириладиган ҳамда улар томонидан тасарруф этиладиган пул маблағлари, келгусида даромад келтирадиган ва пул киримини оширадиган барча турдаги молиявий инвестициялар, шунингдек ушбу активларга доир олинадиган счётлар мажмуаси».

<sup>7</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Диссертация ишида молиявий активларнинг хизмат муддати, моддийлиги, гуруҳлари, турлари ҳамда ички бошқарув мақсадларида амал қилиш ҳудуди, айланиш тезлиги, қайтиш муддати, даъво муддати каби белгилари бўйича таснифий асослари келтирилган.

Амалдаги бухгалтерия балансида корхона активларини иккита гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқдир: номолиявий активлар ва молиявий активлар. Тадқиқотлар давомида корхона активлари таҳлил қилинганда аниқ бўлдики, активлар таркибида молиявий активларнинг улуши салмоқли ўрин эгаллайди (2-расм).



**2-расм. Корхоналарда активлар таркибининг таҳлили, фоизда<sup>8</sup>**


Расмда келтирилган маълумотлар асосида хулоса қилиш мумкинки, корхона активлари таркибида салмоқли ҳиссани дебиторлик қарзлари ташкил этмоқда. Молиявий инвестициялар ва пул маблағларининг улуши эса, паст даражада қолмоқда. Бу шуни кўрсатадики, корхоналарда молиявий активлар таркибини бошқаришга етарли даражада аҳамият қаратилмаган. Ушбу ҳолат молиявий активларнинг таркибини кенгайтириш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари тадқиқ этишни талаб этади.

Юқоридаги илғор хорижий тажрибаларни ва молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини ўрганиш асосида хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда амалда бўлган счётлар режасига инвестицияларни ҳисобга олишга мўлжалланган счётларда уларнинг таснифланиши ва номланишида айрим ўзгартиришларни киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз (3-расм).

3-расмда таклиф этилган молиявий активлар ва улардан олинган даромадлар таснифининг счётларда акс эттирилиши, уларнинг қўлланилиши ҳамда услубий масалалари диссертация ишида келтирилган.

Ушбу киритилаётган ўзгартиришлар қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради:

<sup>8</sup> Корхоналарнинг молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.



**3-расм. Молиявий активлар ва улардан олинадиган даромадлар таснифи<sup>9</sup>**

амалдаги тартибда инвестицияларни таснифлашда уларнинг салмоқли таъсир кўрсатиши етарли даражада инobatга олинмаган. Таклиф этилаётган тартибда эса, инвестициялар салмоқли таъсир кўрсатмайдиган инвестициялар, салмоқли таъсир кўрсатадиган инвестициялар (ассоциациялашган корхоналар ҳамда ҳамкорликдаги фаолият ва қўшма корхоналарга киритилган инвестициялар) ва консолидациялашган ҳисобот тузиш талаб этиладиган инвестицияларга таснифланган;

молиявий активлардан олинадиган даромадларни иккита категорияга ажратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Биринчи категорияси бизнес-моделга мувофиқ, фойда ва зарарларда акс эттириладиган даромадлар ҳамда

<sup>9</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

иккинчи категорияси бошқа умумлашган даромадларда акс эттириладиган даромадлар. Шунга мувофиқ равишда счётларни таснифлаш таклиф этилган.

Инвестициялар ва уларнинг натижаларини ҳисобда акс эттириш тартиби бир қанча хусусиятларга эга. Тадқиқот ишида бухгалтерия счётлари орқали ҳаққоний қийматнинг ўзгариши натижасида олинган фойда ва зарарларни бизнес модел хусусиятидан келиб чиқиб, фойда ва зарарлар ёки бошқа умумлашган даромадлари таркибида акс эттиришнинг янги методологик тартиби ишлаб чиқилган. Ассоциациялашган жамиятлар ёки ҳамкорликдаги фаолиятга киритилган салмоқли таъсир кўрсатадиган инвестицияларда ҳиссали қатнашиш методи асосида баҳолаш натижасида аниқланган фойда ва зарарларни бош компания бухгалтерия счётларида акс эттириш тартиби таклиф қилинган. Таклиф этилган счётларнинг қўлланилиши молиявий ҳисобот тузиш учун зарур бўлган ахборотларни тақдим этади ва ҳисоботнинг сифатини оширишга хизмат қилади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Корхоналарда молиявий активларни тан олиш, баҳолаш ва ҳисобини такомиллаштириш**» деб номланиб, унда молиявий активларни тан олиш, баҳолаш, хусусан молиявий инвестицияларни ҳиссали қатнашиш методи асосида баҳолаш ва ҳисобини такомиллаштириш, консолидациялашган молиявий ҳисоботда инвестицияларни акс эттириш масалалари тадқиқ этилган.

Молиявий активларни баҳолаш тартиби халқаро стандартларда келтирилган. Жумладан, 9-сон МҲХС «Молиявий инструментлар»нинг 4.1.1-бандига мувофиқ молиявий активлар қуйида келтирилган қийматларда баҳоланиши кўзда тутилган (4-расм).



**4-расм. Молиявий активларнинг баҳоланиши<sup>10</sup>**

Халқаро стандартларда молиявий активларнинг амортизацияланадиган қиймати ва ҳаққоний қийматига таъриф келтирилган:

«Молиявий активларнинг амортизацияланадиган қиймати – бу қиймат бўлиб, қайсики унда молиявий активлар бошланғич тан олинишида баҳоланади, бунда асосий сумма бўйича тўловлар чегирилади, плус ёки

<sup>10</sup> МҲХСлари асосида муаллиф ишланмаси.

минус инструментнинг бошланғич қиймати билан самарали фоиз ставкаси методини қўллаган ҳолда ҳисобланган сўндириш суммаси ўртасидаги фарк суммаси, яъни амортизацияси ҳамда минус баҳоланган резерв суммаси.

Ҳаққоний қиймат (fair value) – бу баҳо бўлиб, у баҳолаш санасидаги ташкиллаштирилган бозорда бозор қатнашчилари ўртасида амалга ошириладиган операция шартларида активларни сотишдан олинган ёки мажбуриятларни тўлаш учун сарфланган суммани ифодалайди.»<sup>11</sup>

Корхона молиявий активларини ҳаққоний қийматига (агарда молиявий актив ҳаққоний қиймати бўйича фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот орқали акс эттириладиган категорияга кирмаса) тўғридан-тўғри ушбу молиявий активларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган битим бўйича харажатларни қўшган ҳолда бошланғич қийматида тан олиниши шарт. Битим бўйича харажатларга агентлар (савдо агенти сифатида намоён бўладиган ходимларни ҳам ҳисобга олган ҳолда), маслаҳатчилар, брокерлар ва дилерларга тўланган рағбатлантиришлар ва суммалар; тартибга солувчи органлар ва фонд биржаларига тўланадиган суммалар; ҳамда мулкни узатишда ундириладиган солиқлар ва йиғимлар бўйича тўланадиган суммалар кирди.

Халқаро стандартларда молиявий активларни амортизацияланадиган қиймати ва ҳаққоний қиймати бўйича баҳолашнинг қоидаларини мамлакатимиздаги корхоналар амалиётига жорий қилиш мақсадида қуйидаги услубий тартибларни таклиф этамиз:

Амортизацияланадиган қиймати бўйича баҳолаш. Эмитент 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра 100 000 дона облигацияни номинал қиймати битта облигация учун 10 000 сўмдан чиқарди. Инвестор эмитентнинг барча облигацияларини сотиб олди ва уни тўлови амалга оширилгунга қадар ушлаб туришни режалаштирган. Ушбу битимни қайд қилиш учун 20 000 000 сўм қўшимча харажатларни амалга оширди. Облигацияларнинг сотувдаги бир донасининг нархи 12 000 сўм қилиб белгиланиб, 2021 йил 1 январгача номинал қиймати бўйича қайтарилди. Облигация учун белгиланган фоиз 12% бўлиб, ҳар йили 31 декабрь ҳолатида тўловлар амалга оширилиши кўзда тутилган. Бозорни ўрганиш асосида самарали йиллик фоиз ставкаси<sup>12</sup> 5%ни ташкил этади. 12 ойлик баҳоланган резерв 80 000 000 сўм миқдорида баҳоланган.

Ушбу операция натижалари асосида облигацияларни халқаро стандартларда белгиланган тартибда баҳолаб, инвесторнинг 2019 йил 31 декабрь ҳолати бўйича тузиладиган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида акс эттириш талаб этилади.

Инвестор учун облигацияларни 2 йил муддатда харид қилиб олиниши узоқ муддатли молиявий инвестиция ҳисобланади, шу сабабли облигациялар

<sup>11</sup> <https://finotchet.ru/articles/100/>. МСФО 13 Международный стандарт финансовой отчетности (IAS) 13 «Оценка по справедливой стоимости».

<sup>12</sup> «Самарали фоиз ставкаси (инглизча Effective Interest Rate, русча эффективная процентная ставка) – бу молиявий инструментнинг кутилган хизмат муддати, ёки ўринли бўлганда, қисқароқ муддат давомида баҳоланган келгуси пул тўловлари ёки тушумларини молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг соф баланс қийматигача мутлақо тўғри дисконтлайдиган фоиз ставкаси» деб, 39-сон МҲХСда таъриф берилган.



молиявий актив сифатида тан олинади. Облигацияларнинг амортизацияланадиган қийматини аниқлашда мамлакатимиз корхоналари учун услубий тартибни тавсия этамиз (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси «Ўзғойсаноат» уюшмаси корхоналарига  
таклиф қилинган харид қилиб олинган облигацияларни  
амортизацияланадиган қийматида баҳолаш ҳисоб-китоблари<sup>13</sup>**

(минг сўм)

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2019 й.</b>
1. Облигациянинг ҳаққоний қиймати (100000 дона x 12000 сўм)	1 200 000
2. Облигацияларни қайд қилиш учун тўлов	20 000
3. 2019 йил 1 январь ҳолатида облигацияларнинг бошланғич қиймати (1200 000 + 20 000)	1 220 000
4. Облигациялар учун ҳар йиллик фоиз тўлови суммаси ((100 000 дона облигация x 10 000 сўм x 12%) / 100% = 120 000)	120 000
5. Самарали йиллик фоиз ставкаси асосида молиявий даромад ((1 220 000 x 5%) / 100% = 61 000)	61 000
6. 2018 йилда 12 ой учун баҳоланган резерв (қадрсизланишдан зарар)	80 000
7. 2019 йил 31 декабрь ҳолатида облигацияларнинг амортизацияланадиган қиймати (Облигациянинг амортизацияланадиган қиймати = Бошланғич қиймати – ҳар йиллик фоиз тўлови + молиявий даромад – баҳоланган резерв) (1 220 000 – 120 000 + 61 000 – 80 000 = 1 081 000)	1 081 000

Халқаро стандартларда белгиланган тартиб ҳамда илғор хорижий тажрибаларга мувофиқ: 1. Агар корхона асосан молиявий активларни сотишдан пул маблағларини олишни (молиявий активларни фаол сотилиши (сотади ёки яна сотиш учун сотиб олади) амалга ошириб, унинг ҳаққоний бозор қиймати ошиши натижасида иқтисодий наф олишни мўлжаллаган бўлса, бундай активлар ҳаққоний қийматининг ўзгаришини фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириш орқали молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ҳаққоний қиймати бўйича баҳоланиши лозим. 2. Агарда корхона акцияларга инвестициялар уларни сотиш учун мўлжалланган бўлмасдан, балки узоқ муддатда тутиб туриш учун мўлжалланган бўлса (асосий мақсад дивиденд кўринишида даромад олиш), у ҳолда молиявий активларнинг ҳаққоний қиймати ўзгаришидаги фарқ бошқа умумлашган даромадлар орқали акс эттириш йўли билан ҳаққоний қийматда молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда баҳоланади. Ушбу ҳолатларни амалий мисолларда акс эттирамиз.

Ҳаққоний қиймати бўйича фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот орқали баҳолаш. 2019 йил 1 январь ҳолати бўйича «Каттақўрғон ёғ-мой» АЖ

<sup>13</sup>Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

эмитентнинг 100 000 дона акциясини сотиб олди. Харид санасида битта акциянинг ҳаққоний қиймати 5 000 сўмни ташкил этади. Ушбу битимни қайд қилиш учун «Каттақўрғон ёғ-мой» АЖ томонидан 15 000 000 сўм тўланган. 2019 йил 1 октябрь ҳолатида акциянинг ҳаққоний қиймати (қимматли қоғозлар биржасида) 5500 сўмга кўтарилди. «Каттақўрғон ёғ-мой» АЖ бизнес-моделига мувофиқ ушбу акция сотиш учун харид қилинган ва ундан пул маблағларини олишни кўзда тутди.

Ушбу операция натижаларини 2019 йил 1 октябрь ҳолати бўйича тузиладиган оралиқ молиявий ҳисоботида қандай баҳоланиши талаб этилади.

Харид қилинган акция – молиявий инвестиция, шу сабабли ушбу актив молиявий актив сифатида тан олинади. Бизнес-модел пул маблағларини келиб тушишини кўзда тутди, шу боис акциялар уларнинг қийматининг ўзгариши фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириш орқали молиявий ҳисоботда ҳаққоний қийматида баҳоланади. Акцияларнинг ҳаққоний қийматда баҳоланишининг тадқиқотлар асосида тақлиф этилаётган услубий тартибини қуйида келтирилган жадвалда акс эттирамиз (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Ўзбекистон «Ўзёғмойсаноат» уюшмаси корхоналарига тақлиф этилган харид қилинган акцияларни ҳаққоний қийматда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот орқали баҳолаш ҳисоб-китоблари<sup>14</sup>

Кўрсаткичлар	2019 й.
1. 2019 йил 1 январь харид қилинган акциялар миқдори, дона	100 000
2. Харид қилиш санасида (2019 йил 1 январь) битта акциянинг ҳаққоний қиймати, сўм	5 000
3. Харид санасида, 2019 йил 1 январь ҳолатида акциянинг ҳаққоний қиймати, минг сўм (100 000 дона акция x 5000 = 500 000)	500 000
4. Битимни қайд қилиш учун тўлов, минг сўм	15 000
5. 2019 йил 1 октябрь ҳолатида битта акциянинг ҳаққоний қиймати, сўм	5 500
6. 2019 йил 1 октябрь ҳолатида акциянинг ҳаққоний қиймати, минг сўм (100 000 дона акция x 5500 = 550 000)	550 000
7. Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириладиган акциялар ҳаққоний қийматидаги ўзгариши (фойдаси) (550 000 – 500 000 = 50 000)	50 000

Диссертация ишида облигациянинг ҳаққоний қийматда молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириш тартиби ҳамда унинг ҳаққоний қийматининг ўзгариши натижасида олинган фойдани бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттиришнинг услубий тартиби тавсия этилди.

<sup>14</sup>Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Ҳиссали қатнашиш методига мувофиқ, ҳисобот даврининг охирида инвестициянинг баланс қиймати ( $ИТ_1$ ):

даставвал инвестициялар таннархи бўйича ҳисобга олинади ( $ИТ_0$ );

харид санасидан кейин унинг баланс қиймати инвесторнинг инвестициялаш объекти фойда ва зарарларида тан олинган ҳиссасига кўпаяди ёки камаяди ( $ФЗ_x$ );

инвестициялаш объектидан дивиденд кўринишида даромад олиниши инвестициянинг баланс қийматини камайтиради ( $Д_d$ );

баланс қийматининг коррективировкаси инвесторнинг инвестициялаш объекти бошқа умумлашган даромадидаги ҳиссаси ўзгариши ( $БУД_x$ ).

У ҳолда, ҳисобот даврининг охирида инвестициянинг баланс қийматини куйидаги формула кўринишида аниқлашимиз мумкин бўлади:

$$ИТ_1 = ИТ_0 + ФЗ_x - Д_d + БУД_x \quad (1)^{15}$$

Стандарт талабларидан келиб чиқиб, ҳисобот даврининг охирида ҳиссали қатнашиш методи асосида инвестицияларнинг баланс қиймати (ҳаққоний қийматда) куйидагича аниқланади.

Ҳисобот даврининг бошида (2018 йил 31 декабрь ҳолати бўйича) «Каттакўрғон ёғ-мой» АЖ эмитентнинг 40% овоз бериш ҳуқуқидаги акцияларига эгаллик қилади. Унинг суммаси 1 850 000 минг сўмни ташкил этади. Эмитентнинг бино, машина ва асбоб-ускуналари ҳаққоний қийматининг ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар куйида келтирилган.

Ҳиссали қатнашиш методи асосида ҳисобот даврининг охирида эмитентга инвестиция суммасини аниқлаш талаб этилади.

Даствавал, «Каттакўрғон ёғ-мой» АЖнинг эмитентнинг соф активларидаги ҳиссасининг ўзгаришини ҳисоблаш керак бўлади. Бунинг учун эса, эмитентнинг соф активларини ҳисоблаш талаб этилади. Соф активлари деганда, корхонанинг барча активларидан барча мажбуриятларини чегирилгандан кейинги сумма ҳисобланади. Соф активлар корхонанинг хусусий капиталига тенг бўлиб, уларни куйидаги умумэтироф этилган формула орқали ифодалашимиз мумкин бўлади:

$$\text{Соф активлар} = \text{Акциядорлик капитали} + \text{Тақсимланмаган фойда} \quad (2)$$

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, соф активлар корхонанинг акциядорлик капитали ва тақсимланмаган фойдасидан иборат бўлади. Соф активларни корхона бино, машина ва асбоб-ускуналарнинг ҳаққоний қиймати ва баланс қиймати ўртасидаги фарқ суммасига коррективировка қилиб олиш талаб этилади. Бунинг учун куйида келтирилган жадвалдаги ҳисоб-китобларни тузишни таклиф этамиз (4-жадвал).

<sup>15</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

**4-жадвал**

**Акциядорлик жамиятининг эмитент активларининг ҳаққоний қийматига коррективровка қилинган соф активларидаги ҳиссасининг ўзгариши ҳисоб-китоби<sup>16</sup>**

(минг сўм)

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2018 й. 31 дек.</b>	<b>2019 й. 31 дек.</b>	<b>Фарқи</b>
Акциядорлик капитали	4500000	4500000	-
Тақсимланмаган фойда	2 650000	3120000	+470000
Бино, машина ва асбоб-ускуналари ҳаққоний ва баланс қиймати фарқи ўзгариши	130000	170000	+40000
<b>Жами соф активлар</b>	<b>7280000</b>	<b>7790000</b>	<b>+510000</b>

Ушбу ҳисоб-китоб маълумотларидан кўриниб турибдики, жами активларнинг соф қиймати 510000 минг сўмга ошган. Соф активлар қийматининг ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар асосида эмитентдаги инвестициялар суммасини аниқлаш мумкин (5-жадвал).

**5-жадвал**

**2019 йил 31 декабрь ҳолати бўйича акциядорлик жамиятининг эмитентга киритган инвестициясининг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириладиган қиймати<sup>17</sup>**

(минг сўм)

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Суммаси</b>
1. Ҳисобот даврининг бошида инвестициянинг бошланғич қиймати	1850000
2. Ҳисобот даври давомида эмитентнинг жами соф активларининг ўзгариши (+,-)	510000
3. Акциядорлик жамиятининг овоз бериш ҳуқуқидаги акцияларига эгалик қилиш фоизи	40%
4. Акциядорлик жамиятининг соф активлари ўзгаришидаги ҳиссасининг суммаси (510000 x 40% / 100%)	204000
5. Ҳисобот даврининг охирида эмитентга инвестицияси (1850000 + 204000)	2054000

5-жадвалда инвестициялар қийматининг эмитентнинг соф активларидаги ҳиссасининг ўзгаришига қараб кўпайиши ёки камайишини ҳисоблашнинг методик тартиби «ҳиссали қатнашиш методи»нинг талабларига жавоб беради. Унга мувофиқ инвестицияларнинг бошланғич қиймати эмитентнинг соф активларидаги ҳиссасининг ўзгариши асосида коррективровка қилинади. Бу методик тартиб инвесторнинг эмитентга киритаётган инвестициясининг қийматини реал баҳолаш имконини беради.

<sup>16</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

<sup>17</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Диссертациянинг учинчи боби «Молиявий активларга доир молиявий ҳисоботни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш» деб номланиб, унда молиявий активларни молиявий ҳисоботларда акс эттириш ҳолати ва такомиллаштириш йўналишлари, молиявий активларга доир молиявий ҳисоботни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, олинадиган счётлар ҳисоботини такомиллаштириш масалалари тадқиқ қилинган.

